



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2910-1
2021 - vil 26 - may

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 53/ҚҚ ва 20-Қ/Қ-сон қарори (рўйхат рақами 2910, 2017 йил 3 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 787-модда) билан тасдиқланган Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.
2021 йил 20 май,
15-2021 сон



Тошқулов А. Х.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.
2021 йил 20 май,
30-2021-Қ/Қ сон



Хусанов Н. Б.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 15-2021-сон ҳамда
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021
йил 20 майдаги 30-2021-к/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу Низом барча академик лицейларга нисбатан татбиқ этилади, ҳарбий академик лицейлар бундан мустасно.”.

2. 4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Академик лицейларнинг ўқитувчи лавозимига ўтказиладиган танловда олий маълумотга эга бўлган шахслар иштирок этади.”.

3. 8-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази” деган сўзлар “тегишли олий таълим муассасалари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 9-банддаги “оммавий ахборот воситаларида, шунингдек академик лицейнинг расмий веб-сайтида (агар мавжуд бўлса)” деган сўзлар “оммавий ахборот воситаларида, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг миллий вакансиялар базаси (ish.mehnat.uz)да ва академик лицейнинг расмий веб-сайтида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 10-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Танловда иштирок этиш учун номзодлардан онлайн ариза, сўровнома (резюме)ларни оммавий ахборот воситаларида, миллий вакансиялар базаси (ish.mehnat.uz)да ва академик лицейнинг веб-сайтида қабул қилиш эълон берилган кундан бошланади ва 20 кун давом этади.”.

6. 11-13-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 15-бандда:

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“комиссия раиси ўринбосари – олий таълим муассасаси таълим сифатини назорат қилиш бўлими ходими”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги “тегишли кафедра мудири, камида 5 йил” деган сўзлар “тегишли олий таълим муассасаси ва академик лицейнинг 3 нафар тажрибали” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 34-банддаги “55” рақами “71” рақами билан алмаштирилсин.